

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”НИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-597-601>

Абдурахмонов Холбой Тўхтаевич

Мустақил изланувчи
Алфраганус университети
xolboy_abd@mail.ru

***Аннотация.** Мақолада Хитойда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш сабаблари, имкониятлари ва истиқболлари ёритилган. “Яшил иқтисодиёт”нинг мазмуни, ривожлантириш механизмлари, муаммолари ва хусусий жиҳатлари ўрганилган. Янги энергия манбаларига асосланган илгор саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича режалар таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** “яшил иқтисодиёт”, “яшил” облигация, қайта тикланувчи энергия манбалари, саноат парклари, кластер.*

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF "GREEN ECONOMY" IN THE PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA

Abdurakhmanov Kholboy

Independent researcher
Alfraganus university
xolboy_abd@mail.ru

***Annotation.** The article describes the reasons, opportunities and prospects for the development of the "green economy" in China. The content, development mechanisms, problems and specific aspects of "green economy" are studied. Plans for the development of advanced industries based on new energy sources are analyzed.*

***Key words:** "green economy", "green" bond, renewable energy sources, industrial parks, cluster.*

Бугунги кунда кам углеродли ва ресурслар истеъмоли нуқтаи назаридан тежамкор иқтисодиётни барпо этиш, иқлим ўзгаришига мослашиш каби масалалар кўплаб давлатларда иқтисодий ўсишни ташкил этиш кун тартибда қўйилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ривожланишнинг янги босқичида молия соҳасини тизимли жалб этиш, уни янги вазифаларга мослаштириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ушбу тизимли ўзгаришлар ва жараён бугунги кунда “яшил иқтисодиёт” атамаси билан маълум бўлиб, Хитойда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кейинги ўн йилликда жадал суръатларда намоён бўлмоқда.

Иқтисодиёт секторнинг яшил трансформацияси сўнгги йилларда Хитой Халқ Республикасида сиёсий кун тартибининг асосий мақсадига айланди. Хитой, бугунги кунда, ўзини яшил облигациялар чиқариш ва иқлимга мос технологияларга сармоя киритиш учун янги имтиёзлар яратиш бўйича етакчи давлатлардан бири сифатида кўради. Европа Иттифоқи давлатлари ҳам Хитойнинг “яшил иқтисодиёт” йўналишидаги хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда ва амалда ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришга интилишмоқда.

Яқин-яқингача "аерокалипсис"¹ (ингл. *airpocalypse*) мамлакати сифатида танилган Хитой ҳукумати сўнгги йилларда табиат ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашмоқда ва бу мамлакат томонидан эмиссия қилинган “яшил облигация”ларнинг ҳажми ва қийматининг жадал ўсишида намоён бўлди. 2016 йилда Хитой ўзини “яшил облигация”лар эмиссияси бўйича жаҳон етакчиси сифатида кўрсатди ва муомалага 30,2 млрд. АҚШ доллари қийматидаги облигациялар чиқарди. Ушбу кўрсаткич бутун дунё бўйлаб муомалага чиқарилган янги “яшил облигация”ларнинг 40 фоизини ташкил этади. 2017 ва 2018 йилларда Хитой АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда у бу борада етакчи давлатлардан бири бўлди.

2016-йилда Хитойнинг Ханьчжоу шаҳрида бўлиб ўтган G20 саммитида Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин келгусида Хитой яшил иқтисодиёт соҳасида жаҳонда етакчи бўлишга интилишини ва ушбу йўналишда тегишли хатти-ҳаракатларни амалга оширишни маълум қилди. Натижада, бугунги кунга келиб, Хитой Халқ Республикаси нафақат Хитойда, балки бутун дунёда энергия трансферти ва иқлимни муҳофаза қилиш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган ривожланиш фондлари ва активларни фаолиятини ташкил этишда етакчилик қилмоқда.

Хитой давлат раҳбари Си Цзиньпин 2020-йилнинг сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида Хитойни 2060-йилгача углеродсиз мамлакатга айлантириш режасини эълон қилди. Ушбу режа жуда катта мақсадли мўлжалларни қайд этишни кўзда тутди ва кўплаб кузатувчилар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Маълумки, Хитой иқтисодиёти анъанавий ёқилғи манбаларига таянган ва саноати ҳавони катта миқдорда ифлослантириб келади. Шу нуқтаи назардан, мутахассисларнинг фикрича, замонавий Хитойнинг ер юзи иқлимининг ўзгаришига ва глобал иссиқлик таъсири заифлигича қолиб келмоқда.² Хитойда қайта тикланмайдиган энергия манбаларини ишлаб чиқаришга ажратилаётган

¹ “Airpocalypse” so'zi birinchi marta Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti tomonidan 2013-yilda Xitoyda havodagi tutun zarralari chegaradan 35 baravar ko'p bo'lganida, xususan Pekinda yashovchi odamlar duchor bo'lgan zaharli tutun darajasini tushuntirish uchun ishlatilgan.

² Climate Action Tracker (2020). “Country page China.” <https://climateactiontracker.org/countries/china/>. Accessed: December 11.

инвестициялар ҳажмининг юқорилиги ва давом этиши Хитойнинг янги мақсадларга эришишига маълум даражада шубҳа ўйғотади.

Бироқ, Хитой раҳбарларининг барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида қилган чиқишларида эълон қилинган режаларга кўра, расмий Пекин ўзининг экологик амбицияларини эътибордан четда қолдирмаслигини тасдиқлайди.

Хитой раҳбарияти мамлакат саноатининг яшил ўзгаришини рағбатлантириш учун турли воситалардан фойдаланиб келмоқда. Энг муҳими, булар маҳаллий кластерлаш, яшил молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш, давлат харидлари ва стандартлаштиришни ўз ичига олади. Давлат банклари ушбу жараёнда тажриба соҳаларини рағбатлантиришда ҳам кластер тартиби асосида ёндашмоқда.³ Хитойда 2011-2015 йилларда сув ва қаттиқ маиший чиқиндилардан қайта фойдаланиш даражаси 90 фоиздан кўпроққа оширишга эришилганлиги ҳам амалда мамлакатнинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Хитойда 2 мингдан ортиқ “яшил завод”лар (асосан машинасозлик, электроника, қурилиш материаллари ва енгил саноатда) ва 170 та “яшил саноат парклари” фаолият олиб боради ва ҳукумат томонидан режалаштирилган миқдорга нисбатан анча кўп ҳисобланади. Бироқ, Хитойда саноат парклари ривожланишида хусусий секторнинг фаоллиги етишмайди ва ушбу ҳолат мамлакат миқёсида катта муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусий компанияларни қўлаб жалб қилиш мақсадида Пекин 2020 йилда энергия тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи хусусий компаниялар учун бозор шароитларини яхшилаш бўйича солиқ имтиёзлари ва тавсиялар берди.⁴

Хитойда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий талаблар ва ҳужжатларни ишлаб чиқариш жараёнлари давом эттирилди. Жумладан, ресурсларни таснифлашдан тортиб корхонанинг эмиссия ҳисоботи ва эко-дизайнни баҳолашгача бўлган барча жиҳатларни қамраб олувчи яшил ишлаб чиқариш стандартлари тизими 2025 йилгача саноат миқёсида фойдаланиш учун шакллантириб борилмоқда. Яшил заводлар фаолиятини таъминлашга мўлжалланган яна юзлаб стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, амалда ҳолат ҳар доим ҳам ижобий деб баҳоланмайди. Хусусан, яшил стандарт талабларига корхоналар даражасида ҳар доим ҳам тўлиқ риоя этилмаётганлиги қайд этилган. 2017-йилда Хитой шимолидаги деярли 14 000 та текширилган компаниянинг 70 фоизи ҳаво ифлосланиши стандартларига жавоб бера олмаган.⁵

³ Zeng, Douglas Zhihua and Shi, Lei (2018). “China’s Green Transformation through Eco-Industrial Parks”. Available on: https://www.die-gdi.de/fileadmin/user_upload/pdfs/veranstaltungen/2018/20180618_green_transformation/China_Green_Transformation_Synthesis_Note_-_Douglas_Zeng_AP-revision_Lay....pdf. Accessed: December 11, 2020.

⁴ https://www.ndrc.gov.cn/xxgk/zcfb/tz/202005/t20200525_1228833.html?code=&state=123

⁵ New York Times (2017). “Nearly 14,000 Companies in China Violate Pollution Rules.” June 13. <https://www.nytimes.com/2017/06/13/world/asia/china-companies-air-pollution-paris-agreement.html>. Accessed: December 11, 2020.

Хитой ҳукумати томонидан 2019 йилда эълон қилинган ҳисоботида эътироф этганидек: “Яшил ишлаб чиқаришга оид қонунлар, қоидалар ва стандартлар етарли даражада ривожланмаган” ва “ишлаб чиқариш секторидан ресурслардан фойдаланиш ҳали ҳам жаҳон даражасидаги самарадорлик даражасидан анча паст”.⁶

“Яшил иқтисодиёт” ва “яшил” ривожланиш тамойилларига ўтишни жадаллаштириш ва ўтишнинг асосий жиҳатларини урғулаш мақсадида Хитой ҳукумати “юқори самарали, тоза, кам углеродли ва яшил ривожланиш йўли” учун муҳим бўлган қуйидаги тўртта унсурни белгилаб берди: яшил заводлар, яшил маҳсулотлар, яшил саноат парклари ва яшил таъминот занжирлари.⁷ Бу унсурлар ва мўлжаллар Хитой “яшил ишлаб чиқариш” тизимининг асосий тамал тошлари бўлиб хизмат қилади.

Кўплаб миллий ва хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, Хитойнинг “яшил ривожланиш стратегияси” ўз олдига қўйилган мақсадларга белгиланган муддатларда етишади, деб умид қилишади. Миллий дастурнинг мамлакат ҳудудлари кесимида мувофиқлаштириш ва тегишли ҳудудий дастурларнинг шакллантирилиши ушбу ҳужжатнинг ҳаётийлигини таъминлаш билан бирга унинг мақсадларини белгиланган параметрлар доирасида тўлиқ эришилишига мустаҳкам замин яратади. Макро ва микро даражада биргаликда яшил стандартларга риоя қиладиган ва маҳсулотнинг ҳаёт цикли ва таъминот занжирининг барча босқичларида тоза ишлаб чиқариш ва ресурслардан тежамли фойдаланишга йўналтирилган миллий ишлаб чиқариш тизими мамлакатда ҳар доигидан ҳа олзарб аҳамият касб этади. Анъанавий тармоқларни янгилаш, янги энергия манбаларига таянган, халқаро миқёсда рақобатбардош, илғор ахборот технологияларига асосланган яшил саноатни яратиш, янгилаётган Хитой иқтисодиётининг ва мамлакат табиати ва ҳудудларининг келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш ва янада кенгайтиришнинг асосий йўлларида бири бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Climate Action Tracker (2020). “Country page China.” <https://climateactiontracker.org/countries/china/>. Accessed: December 11.
2. Zeng, Douglas Zhihua and Shi, Lei (2018). “China’s Green Transformation through Eco-Industrial Parks”. Available on:
3. https://www.die-gdi.de/fileadmin/user_upload/pdfs/veranstaltungen/2018/20180618_green_transformation/China_Green_Transformation_Synthesis_Note_-_Douglas_Zeng_AP-revision_Lay....pdf. Accessed: December 11, 2020.
5. https://www.ndrc.gov.cn/xxgk/zcfb/tz/202005/t20200525_1228833.html?code=&state=123

⁶ PRC Ministry of Foreign Affairs (2019).

⁷ <https://link.springer.com/article/10.1007/s13563-019-00214-2>

6. New York Times (2017). “Nearly 14,000 Companies in China Violate Pollution Rules” June 13. <https://www.nytimes.com/2017/06/13/world/asia/china-companies-air-pollution-paris-agreement.html>. Accessed: December 11, 2020.
7. PRC Ministry of Foreign Affairs (2019).
8. <https://link.springer.com/article/10.1007/s13563-019-00214-2>